

## МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИК ВА МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИНГ БОҒЛИҚ ЖИҲАТЛАРИ

Умарова Н.Х.

ТДИУ, таянч докторант

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10841546>

### ARTICLE INFO

Received: 15th March 2024

Accepted: 17th March 2024

Published: 19th March 2024

### KEYWORDS

### ABSTRACT


*Охирги пайтларда молиявий хавфсизлик ва молиявий барқарорликни таъминлаш муаммолари жуда долзарб тус олмақда. Бу эса нафақат молиявий инқироз, беқарорликнинг кучайиши, балки иқтисодий маконнинг глобаллашуви билан ҳам боғлиқ бўлиб, молиявий бозорларнинг беқарорлиги кўринишидаги таҳдидлар сонининг кўпайишига олиб келмоқда. Бундай шароитда давлат, минтақалар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўз ривожланишининг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун тубдан янги ёндашувлар зарурлигига дуч келмоқдалар.*

Молиявий барқарорлик ташкилотнинг иқтисодий барқарорлигини белгилайди, ташкилотга қулай молиявий ҳолатни сақлашга имкон беради. Шу боис ҳам, турли усуллар билан амалга ошириладиган ва молиявий-хўжалик фаолиятининг умумий таҳлилига киритилган молиявий барқарорликни баҳолаш ўта муҳим ҳисобланади. Айнан молиявий таҳлил ёрдамида молиявий барқарорликни баҳолаш ва унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мумкин.

Корхонанинг молиявий барқарорлиги (тор маънода) - бу корхона томонидан жалб қилинган ҳар хил турдаги молиявий ресурсларнинг маълум бир мақбул нисбати, шунингдек, бир томондан ҳар хил турдаги молиявий ресурслар ўртасидаги нисбат ва бошқа томондан ушбу ресурслардан фойдаланиш йўналишларидир [1].

Корхонанинг молиявий барқарорлиги молиявий ресурсларни бошқариш сифатининг ҳар томонлама характеристикаси бўлиб, бу корхонага барқарор ривожланиш ва молиявий хавфсизлигини таъминлаш имкониятини беради. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий барқарорлиги, шунингдек, мулкдорларнинг фаровонлигини максимал даражада ошириш, давлат ва жамиятнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ташкилотнинг рақобатдош устунликларини мустаҳкамлаш мақсадида тадбиркорлик хавфи ва ўзгарувчан ишбилармонлик муҳити шароитида асосий ва бошқа фаолият турларини амалга ошириш қобилияти сифатида ҳам кўриб чиқилиши мумкин [2].

Шуни таъкидлаш керакки, корхонанинг молиявий барқарорлиги молиявий хавфсизлик, мослашувчанлик, барқарорлик ва мувозанат каби бошқа молиявий тоифалар билан чамбарчас боғлиқдир. Буни биз қуйидаги чизмада кўришимиз мумкин. (1-расм)



1-расм. Корхонанинг молиявий барқарорлиги ва молиявий хавфсизлигининг боғлиқлиги.

Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, замонавий иқтисодиётда нафақат молиявий барқарорликни, балки корхоналарнинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш муаммоларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Молиявий хавфсизлик – бу корхонанинг молиявий ҳолатини ёмонлаштирадиган ёки корхонани банкротликка олиб келадиган мавжуд ва пайдо бўлаётган таҳдид ва хатарларга қарши туриш қобилиятидир.

Илмий адабиётларда корхонанинг молиявий хавфсизлигини бошқариш, мустаҳкамлаш, шунингдек молиявий хавфсизликнинг ташқи ва ички омиллари кўпгина иқтисодчи олимлар томонидан қайд этилган.

МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимлари В. Бурцев [3], В.И. Сенчагов[4], Е.А. Олейников [5], М.Арсентьев [6], И.А. Бланк [7] ва бошқалар томонидан корхоналар иқтисодий ва молиявий хавфсизлигини баҳолаш ва бошқариш муаммолари бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган, жумладан, рақобатбардошлик концепциясига асосланган; кредит молия ташкилотларида молиявий рискларни бошқаришнинг замонавий тизимини яратишга йўналтирилган бошқарув концепциясини амалга ошириш механизминини ишлаб чиқиш; банкротлик ва бошқа корхонага қўшилиб кетишни олидини олиш; молиявий рискларни учун Монте-Карло моделини таҳлил қилиш; корхоналарда молиявий ва иқтисодий рискларни баҳолашнинг концептуал жиҳатлари; акциядорлар билан ўзаро ҳамкорлик асосида қўшилиш ва ютиб юбориш жараёнида юзага келадиган молиявий рискларни бошқариш; акциядорлик корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаш, корхона молиявий хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий- иқтисодий усуллари ва моделларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Макро ва микро даражаларда иқтисодий хавфсизликни ва молиявий хавфсизлигини таъминлаш, уларни баҳолаш ва бошқариш масалалари мамлакатимиз олимлари – А.Бурханов [8], Х.Абулқосимов [9] ва бошқаларнинг ишларида ҳам ўз аксини топган.

Ташкилотнинг молиявий барқарорлиги ички ва ташқи муҳитнинг бир қатор омиллари таъсири остида шаклланади. Уларнинг ўзаро боғлиқлиги, таъсир даражаси, ўзаро таъсири ва ўзаро боғлиқлиги алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам, бутун иқтисодий тизим учун ҳам муҳимдир.

Корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлашга таъсир этувчи ташқи омилларни илмий асослаш ва уни ҳисобга олишда корxonанинг ўзига хос хусусиятлари, яъни унинг қайси тармоқда фаолият юритиши ва ихтисослигига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ [10].

Корxonанинг молиявий хавфсизлигининг асосий шarti корxонага молиявий зарар етказиш ёки капитал таркибини исталмаган равишда ўзгартириш ёки корxonани мажбуран тугатишга интилаётган мавжуд ва пайдо бўлаётган хавф ва таҳдидларга қарши туриш қобилиятидир. Ушбу ҳолатни таъминлаш учун корxона молиявий барқарорликни, мувозанатни сақлаш, корxonанинг етарли молиявий мустақиллигини ва молиявий қарорларни қабул қилишда мослашувчанликни таъминлаши керак.

Корxonанинг молиявий мослашувчанлиги - бу корxonанинг ташқи ва ички шароитларга қараб молиялаштириш ҳажми ва тузилишини, шунингдек молиявий ресурсларни инвестициялаш йўналишини ўзгартириш қобилияти бўлиб, уни баҳолаш учун корxонада бошқарув имкониятлари мавжудлигидан фойдаланиш таклиф этилади. Корxonанинг молиявий барқарорлиги эса кўрсаткичларнинг мақбул ёки тахминий қийматларининг барқарорлиги билан белгиланади. Корxonанинг молиявий баланси, ўз навбатида, рентабеллик ва таваккалчиликнинг мақбул комбинацияси орқали эришиладиган компания ва корxonанинг мувозанатли ривожланишини тавсифлайди.

Юқорида айтиб ўтилган боғлиқликнинг мавжудлиги корxonанинг молиявий хавфсизлигига ҳам, молиявий барқарорлигига ҳам таъсир қилувчи умумий таҳдидларнинг мавжудлигига олиб келади бу эса уларни комплекс назорат қилиш мақсадга мувофиқлигини яна бир карра исботлайди.

Шундай қилиб, корxonаларнинг барқарор ишлаши ва ривожланиши, авваламбор, уларнинг ташқи ва ички муҳитдаги ўзгаришларга ўз вақтида ва етарли даражада жавоб бериш қобилияти билан белгиланади, бу молиявий барқарорликни тавсифловчи кўрсаткичларда намоён бўлади. Шу сабабли, корxonанинг молиявий ҳолатини тизимли равишда ҳар томонлама иқтисодий таҳлил қилиш, иқтисодий фаолиятнинг асосий кўрсаткичларидаги ўзгаришлар тенденциясини кузатиш зарур. Фақатгина бундай ёндашув тадбиркорлик субъектларининг муваффақиятли ишлаши ва ривожланишига қаратилган самарали бошқарувни таъминлайди. Корxonанинг молиявий барқарорлиги учун зарур ва етарли шарт унинг молиявий хавфсизлигини таъминлашдир ва унинг молиявий хавфсизлигига эришиш фақат корxonанинг молиявий барқарорлиги таъминланган тақдирдагина мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гиляровская Л.Т. Анализ и оценка финансовой устойчивости коммерческого предприятия. СПб.: Питер, 2003.
2. Папехин Р.С. Взаимосвязь финансовой безопасности, стабильности, гибкости и равновесия корпорации / Р.С. Папехин // Основные направления повышения эффективности экономики, управления и качества подготовки специалистов. Сб. ст. III Междунар. науч.-практич. конф. - Пенза, 2005. – 0,25 п.л.
3. Бурцев В.В. Факторы финансовой безопасности России / В.В. Бурцев // Менеджмент в России и за рубежом. - 2001. - № 1. - С. 55-69.
4. Сенчагов В. К. Экономическая безопасность России. Общий курс [Электронный ресурс]: учебник / под ред. В. К. Сенчагова. – 5-е изд. (эл.). – Электрон. текстовые дан. (1 файл pdf: 818 с.). – М.: БИНОМ. Лаборатория знаний, 2015. 269 бет.
5. Олейникова Е.А. Основы экономической безопасности (Государство, регион, предприятие, личность) / Под ред. Е.А. Олейникова. М., 1997. С. 29.
6. Арсентьев М. Финансовая безопасность России // Обозреватель. 2015 № 8 С. 13–19.
7. Бланк И. А. Управление финансовой безопасностью предприятия. М.: Эльга, 2009. 776 с.
8. Бурханов А.У. Молиявий хавфсизлик. Ўқув қўлланма. –Т.: Маънавият, 2019, 224 б.
9. Абулқосимов Х.П. Иқтисодий хавфсизлик. Т.: Академия. 2012. 111– б.
10. Умарова Н.Х. Қурилиш материаллари саноати корхоналари молиявий хавфсизлигига таъсир қилувчи ташқи омиллар. "Логистика ва иқтисодиёт" илмий электрон журнал. ISSN 2181-2128. 2022 йил 1-сон. 319-325 б.

INNOVATIVE  
ACADEMY